

«Тасдиқлайман»

“Ўзбекнефтгаз” МХК
«Нефтгазинвест» МЧЖ директори



Сидиков Б.Б.

«24» 01 2017 й.

Давлат хизмати регламенти

«Идоралараро тендер комиссиясининг йиғилиши тўғрисида ахборот тақдим этиш, тендер савдоларини эълон қилиш, тендерлар муддатларини узайтириш, ўтказилаётган тендер савдоларининг натижалари тўғрисида хабар бериш»

1. Хизматнинг таърифи (паспорти)

1.1 Хизматнинг номи

Идоралараро тендер комиссиясининг йиғилиши тўғрисида ахборот тақдим этиш, тендер савдоларини эълон қилиш, тендерлар муддатларини узайтириш, ўтказилаётган тендер савдоларининг натижалари тўғрисида хабар бериш.

1.2. Хизмат кўрсатиш натижаси

«Нефтгазинвест» МЧЖ офферентлар томонидан юборилган мурожаатларни кўриб чиқади ва офферентларга жавобларни тайёрлайди.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкларни олиш жойлари

Хизмат кўрсатувчи орган - «Нефтгазинвест» МЧЖ. Офферентларнинг мурожаатлари бўйича жавоблар ёзма ёки электрон хат шаклида юборилади.

1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Хизматдан фойдаланишдан манфаатдор бўлган юридик шахслар (Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари).

1.5. Ижро этиш муддати

Келиб тушган мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга хабар бериш.

2.1. Ахборотнинг таркиби ва ҳажми

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг ваколатига ҳамда тижорат ва хизмат сирини ташкил қилмайдиган фаолиятига доир ахборот тақдим этилади.

2.2. Кенг хабар бериш

Хизматлар тўғрисидаги маълумотларни www.ungi.uz, www.tenderweek.com веб-сайтлари ҳамда «Труд» (Россия) ва «Правда Востока» газеталарида топиш мумкин.

2.3. Сўровнома бўйича маълумот бериш

Сўровнома бўйича маълумотлар факс ёки электрон почта орқали иш куни давомида соат 9:00 дан 18:00 гача юборилади.

3. Муҳокама

3.1. Иш вақти

Иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Келиб тушган сўровнома бўйича ечимига кўра мутахассисларни жалб қилиш ва керакли материалларни тўплаш лозим бўлган масаланинг мураккаблигига қараб

4. Хизмат кўрсатиш таомили

4.1. Керакли ҳужжатлар

Барча мурожаатлар фақат ёзма равишда, факс, электрон почта ёки чопар орқали қабул қилинади.

4.2. Хизмат учун тўлов

Хизмат турларига қараб.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

*1 босқич. Оферентлардан келиб тушаётган талабномаларни девонхонада рўйхатга олиш.
2 босқич. Мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш.*

4.4. Давлат хизматини кўрсатиш бўйича идоранинг ички таомиллари

Хизматлар қуйидаги таомиллардан иборат:

- 1. Почта, электрон почта орқали келиб тушган ёки чопар етказиб берган хат (ҳужжат)нинг тегишли реквизитлари мавжуд бўлган тақдирда девонхона уни қабул қилган заҳотиёқ рўйхатга олади.*
- 2. Ҳужжат ижро этилиши мақсадида бир кун давомида белгиланган тартибда гуруҳлар раҳбарларига юборилади.*
- 3. Ижрочи тақдим этилган хатни (ҳужжатни) кўриб чиқади ва жўнатувчининг манзили бўйича жавоб хатини тайёрлайди.*

4.5. Рад этиш асослари

- ёзма мурожаатларда ушбу Регламентнинг 4.1. бандида кўрсатиб ўтилган зарурий реквизитлар йўқлиги;*
- аризада хизмат ёки конфиденциал ахборотга эга бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмаслиги;*
- меъёрдан четга чиқадиган ва ҳақоратли фикрлар баён этилган талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди;*
- агар аризачининг талабномасида аввал юборилган талабномалар юзасидан кўп маротаба ёзма равишда жавоб берилган савол мавжуд бўлса ва айтилган талабномада янги далил ёки жиҳатлар келтирилмаган бўлса, бу ҳолда «Нефтгазинвест» МЧЖ ушбу масала бўйича аризачи билан ёзишмаларни тўхтатиш юзасидан қарор қабул қилишга ҳақлидир.*

5. Сифатни таъминлаш

5.2. Сифатсиз хизмат юзасидан шикоят қилиш

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги 1064-ХII-сонли «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фуқаролар уларнинг мурожаатлари кўриб чиқиш учун асоссиз қабул қилинмаганлиги юзасидан қарашлилиги бўйича юқори турган органга ёки бевосита судга шикоят узатишга ҳақлидирлар.

«Хизмат кўрсатиш схемаси» иловада келтирилган.

Давлат хизматини кўрсатишда идоранинг ички таомилларининг таъриффи

www.ungi.uz- расмий ахборот веб-сайти бўйича оферентлар мурожаатларини кўриб чиқиш.

